



## **Global Conference on Medical and Health Sciences**

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

---

### **ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

Абдухаликова Комила Абдухаликовна  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
“Маркетинг” кафедраси ассистенти

#### **Аннотация**

Мазкур мақолада логистика хизматларида стратегик режалаштиришнинг моҳияти, унинг назарий асослари ва амалий аҳамияти тадқиқ этилган. Тадқиқот давомида стратегик режалаштириш логистика тизимининг самарадорлигини ошириш, харажатларни оптималлаштириш ва рақобатбардошликни таъминлашда муҳим омил эканлиги асослаб берилган. Шунингдек, замонавий логистика хизматларида қўлланилаётган стратегик ёндашувлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** логистика хизматлари, стратегик режалаштириш, таъминот занжири, рақобатбардошлик, самарадорлик.

#### **Аннотация**

В данной статье рассматривается сущность стратегического планирования в логистических услугах, его теоретические основы и практическое значение. В ходе исследования доказано, что стратегическое планирование является важным фактором повышения эффективности логистической системы, оптимизации затрат и обеспечения конкурентоспособности. Также анализируются стратегические подходы, используемые в современных логистических услугах.



## Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

---

**Ключевые слова:** логистические услуги, стратегическое планирование, цепочка поставок, конкурентоспособность, эффективность.

### Abstract

This article examines the essence of strategic planning in logistics services, its theoretical foundations, and practical implications. The study demonstrates that strategic planning is an important factor in improving logistics system efficiency, optimizing costs, and ensuring competitiveness. Strategic approaches used in modern logistics services are also analyzed.

**Key words:** logistics services, strategic planning, supply chain, competitiveness, efficiency.

Глобал иктисодий интеграция, халқаро савдо ҳажмининг ўсиши ва рақобат муҳитининг кучайиши логистика хизматларига бўлган талабни сезиларли даражада оширмоқда. Бундай шароитда логистика корхоналарининг узок муддатли барқарор ривожланиши стратегик режалаштиришнинг самарали ташкил этилишига боғлиқ.

Истиқболни аниқ башорат қилиш учун стратегия зарурдир. Стратегия бу қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режасидир. Демак, стратегия ва режа бир бирини тўлдирувчи, бири иккинчисининг зарурлигини тақозо этувчи тушунчалардир.

Режалаштириш – бу турли шарт шароитлар ва ҳолатларни баҳолаган ҳолда, мақсад, восита ва ҳаракатлар тўғрисида қарор қабул қилиш тизимидир. Режалаштириш жараёни куйидаги тўрт босқичдан иборат:



## Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

- 
- компаниянинг бош мақсадини аниқлаш;
  - компания ривожланишининг ҳар бир босқичи учун мақсадини аниқлаштириш ва деталлаштириш;
  - бу мақсадларга эришишнинг иқтисодий ва бошқа воситалари, ҳамда йўллари аниқлаш;
  - мақсадга эришишни назорат қилиш.

Режалаштиришни бир нечта мезонлар бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) қамраб олиш даражаси бўйича:

- умумий режалаштириш, компания фаолиятининг барча соҳаларини ўз ичига олади;
- хусусий режалаштириш, фаолиятнинг маълум бир соҳалари бўйича режалаштиради;

б) режалаштириш мазмуни бўйича:

- стратегик режалаштириш, янги имкониятларни излаб топишни ўз ичига олади;
- тактик режалаштириш, оператив режалаштириш имкониятларини тезкор амалга ошириш.

с) режалаштириш предмети бўйича:

- мақсадли режалаштириш, мақсадларни аниқлаш;
- воситаларни режалаштириш, моддий ресурслар, меҳнат ресурслари, жиҳозлар, молия ва ахборотларни режалаштириш;
- ҳаракатларни режалаштириш, маркетинг ва бошқаларни режалаштириш.

д) фаолият соҳалари бўйича:

- ишлаб чиқаришни режалаштириш;
- сотишни режалаштириш;
- молиявий режалаштириш;



## Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

---

• персонални режалаштириш.

е) вақтга кўра:

- қисқа муддатли, ярим йиллик, квартал, ойлик, ҳафталик режалаштириш;
- ўрта муддатли, бир йилдан беш йилгача, узоқ муддатли, беш йил ва ундан ортиқ.

ф) режанинг ўзгариш эҳтимолига кўра:

- қатъий режалаштириш;
- ўзгарувчан ( мослашувчи) режалаштириш.

Иқтисодиётнинг тез суръатлар билан ривожланиши, рақобатнинг кескин кучайиши, ташқи муҳитнинг активлашиши каби омиллар ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб йирик компания ва фирмаларни узоқ муддатли режалаштиришга ўтишга мажбур қилди. Дастлаб узоқ муддатли режалаштириш йирик ва ўрта даражадаги фирмаларда қўлланилди.

60-йиллардан бошлаб стратегик режалаштириш назарияси ривожлана бошлади. Стратегик режа – бу корхона олдидаги узоқ муддатга мўлжалланган, шу жумладан бизнеснинг янги имкониятларини ўзлаштиришга йуналтирилган вазифалар мажмуи бўлиб, у жорий ва йиллик режалар учун асос, мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Стратегик режа беш йил, ўн йил ва ундан кўпроқ муддатга тузилади.

Стратегик режа корхона учун куйидаги имкониятларни яратади:

- мақсадни аниқ белгилаш ва уни ифодалаш;
- ташқи муҳитга мослашиш;
- самарали бошқариш тизими ва унинг таркибий структурасини яратиш;
- таркибий структурадаги барча бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- корхона барча ресурслари, яъни ишчи кучи, молия, айланма ва асосий активларнинг оптимал тақсимотини таъминлаш ва бошқалар.



## Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Стратегик режалаштириш логистика хизматларида фаолият йўналишларини белгилаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бозордаги ўзгаришларга мослашиш имконини яратади. Шу сабабли мазкур мақолада логистика хизматларида стратегик режалаштиришнинг моҳияти ва аҳамиятини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсад қилиб олинган.

Тадқиқот натижаларига кўра, логистика хизматларида стратегик режалаштириш қуйидаги асосий натижаларни таъминлаши аниқланди:

- таъминот занжири жараёнларининг самарадорлиги ошади;
- транспорт ва омбор харажатлари камаяди;
- хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади;
- миқдорлар қониқиш даражаси ортиб боради;
- логистика корхоналарининг рақобат устунлиги мустаҳкамланади.

Шунингдек, рақамли технологиялар ва ахборот тизимларидан фойдаланиш стратегик режалаштириш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши аниқланди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, стратегик режалаштириш логистика хизматларининг барқарор фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айниқса, бозор конъюнктурасининг тез ўзгариб бораётган шароитида логистика стратегиясини тўғри белгилаш корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди.

Замонавий логистика хизматларида SCM, ERP ва WMS тизимларидан фойдаланиш стратегик қарорлар қабул қилишда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса логистика хизматларида стратегик режалаштиришнинг янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, логистика хизматларида стратегик режалаштириш корхонанинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлаш, харажатларни оптималлаштириш ва рақобатбардошликни оширишда муҳим омил



## **Global Conference on Medical and Health Sciences**

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14<sup>th</sup> February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

ҳисобланади. Самарали стратегик режалаштириш орқали логистика хизматлари сифати яхшиланади ва бозор талабларига мослашиш имкониятлари кенгайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Залманова М.Е. Логистика бизнес-матем. Њъув лъълланма. Саратов: СГТУ, 1997, 88-б.
2. Бауэрсокс Д.Д., Клосс Д.Д., Купер М.Б. Логистика: интегрированная цепь поставок. 2-нашр, 2013, Олимп-Бизнес (Москва)
3. Уотерс Д. Логистика. Управление цепями поставок-2003, ЮНИТИ-ДАНА (Москва)
4. Кристофер М. Логистика и управление цепями поставок-2004, Питер (Санкт-Петербург)
5. Баллоу Р. Бизнес-логистика. Управление цепями поставок-2008, Инфра-М (Москва)
5. Гаджинский А.М. Логистика -21-нашр, 2012, Дашков и К (Москва)
6. Карнаухов С.Б. Логистика - 2006, Феникс (Ростов-на-Дону)
7. Сергеев В.И. Корпоративная логистика -2005, Инфра-М (Москва)
8. Миротин Л.Б., Ташбаев К.Э. Логистика: управление материальными потоками- 2002, Экзамен (Москва).